

“ТАСДИКЛАЙМАН”
Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш
маркази директори

2022 йил «29» июн



Ш.Якубов

«29» июн 2022 йил

Тошкент шаҳар

Савдо танлов конкурси
БАЁННОМАСИ №101872/3

Кун тартибидаги масала.

Марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан ўқув адабиётларини нашр этиш ва
чоп эйтиш бўйича тузилган баённомага билдирилган эътирозлар

тўғрисида. Лот №101872

Комиссия раиси: Директор - Ш.Якубов
Аъзолар: М.Эсанов, У.Ахмедов, Т.Маматалиев,
И.Мамажонов,

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия раиси сўз олиб марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан ўқув адабиётларини нашр этиш ва чоп эйтиш бўйича **24.06.2022** йилда энг яхши таклифни танлаш ғолибини аниқлаш тўғрисидаги №101872-сонли электрон баённома (лот №101872) тузилган бўлиб, ушбу баённома бўйича **икки иш кун** давомида баённомада кўрсатилган ташкилотлар томонидан харид комиссияси аъзоларига ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади.

Комиссия раиси:

Директор -

Ш.Якубов

Аъзолар:

Директорнинг биринчи ўринбосари -

М.Эсанов

Бўлим бошлиғи -

Т.Маматалиев

Бош мутахассис -

И.Мамажонов

Бош ҳисобчи -

У.Ахмедов

13 - сонли ШАРТНОМА

Тошкент ш.

“19” сентябр 2022 й.

Yosh avlod matbaa (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб аталади) номидан директор **Бекназарова Д.Н.** бир томондан ва иккинчи томондан **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни тадбиқ этиш маркази** (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталади) номидан директори **Ш.У.Якубов** ўз Низомларига асосан ушбу Шартномани туздилар.

1. Шартнома мавзуси

1.1. “Бажарувчи” ушбу шартномага мувофиқ “Буюртмачи” кўрсатмасига кўра мазкур шартноманинг 2-бандида кўрсатилган ўқув адабиётларини: бичимлари 60x84 1/16, матн ранглари 1+1, қаттиқ муқова 4+0, нашр этиш (текст териш, саҳифалаш, таҳрир, техник таҳрир, жадвал, чизма, расм ва иллюстратив кўринишларга ишлов бериш) ва 70 гр/м² дан кам бўлмаган офсет қоғозида chop этишни мажбуриятини олади, “Буюртмачи” эса бажарилган иш учун белгиланган миқдорда ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Нашр этилган маҳсулот Давлат стандартларига мувофиқ бўлиши шарт.

2. Шартнома баҳоси

№	Ўқув адабиётининг номи	Адабиёт тури	Ҳажми	Ўл.бирл.	Нашр нусхаси	Нархи (сўм)	Умумий қиймати (сўм)
1	Qurilishda metrologiya, standartlash va sertifikatlashtirish	darslik	515	дона	100	252 080	25 208 000
2	Гидротехнические сооружения	o'quv qo'llanma	695	дона	200	200 560	40 112 000
3	Kimyoviy algoritmlarning nazariy asoslari (o'zbekcha-inglizcha)	o'quv qo'llanma	286	дона	200	101 890	20 378 000
4	Teoriyalik elektrotexnika (II-bo'lim)	darslik	238	дона	100	143 290	14 329 000
5	Umumsanoat mexanizmlarining avtomatlashtirilgan elctr yuritmalari	darslik	189	дона	100	126 040	12 604 000
6	Nazariy mexanika	o'quv qo'llanma	239	дона	100	137 540	13 754 000
7	Muhandislik ekologiyasi	o'quv qo'llanma	156	дона	100	101 430	10 143 000
8	Учебное пособие по курсу физической химии	o'quv qo'llanma	280	дона	100	149 960	14 996 000

9	Qurilish va melioratsiya mashinalari (Umumiy exanizmlar, asos va yuk ko'tarish-tashish mashinalari)	o'quv qo'llanma	132	дона	300	66 470	19 941 000
10	Teoriyalik elektrotexnika	darslik	247	дона	100	139 380	13 938 000
11	Geodeziya fanidan laboratoriya ishlari va amaliy mashg'ulotlar	o'quv qo'llanma	164	дона	200	76 475	15 295 000
12	Elektr ta'minoti tizimida muqobil energiya manbalari	o'quv qo'llanma	155	дона	200	76 705	15 341 000
ЖАМИ							216 039 000

2.1. Шартноманинг умумий қиймати 216 039 000 (Икки юз ўн олти миллион ўттиз тўққиз минг) (ҚҚСсиз) сўмни ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.2. “Бажарувчи” шартномада кўрсатилган нарх бўйича умумий қийматининг 30% олдиндан тўлайди. Тайёр маҳсулот шартномада белгиланган нарх бўйича ҳисоб-фактура ва далолатнома асосида қабул қилиб олинади ва қолган 70% тўлов 20 банк кунида амалга оширилади.

3.3. Ҳақ тўлаш шакли “пул ўтказиш” йўли билан амалга оширилади.

4. Мажбуриятларни бажариш муддати

4.1. “Бажарувчи” ушбу шартноманинг 1.1-бандида белгиланган мажбуриятларни 30% тўлов амалга оширилгандан сўнг 30 банк куни ҳисобида бажариши шарт.

4.2 Шартнома 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади.

5. Томонлар мажбуриятлари

5.1. “Бажарувчи”нинг мажбуриятлари:

5.1.1. Тайёр маҳсулотнинг шартнома шартларига мослигини назоратдан ўтказиш мақсадида “Бажарувчи” сигнал нусхасини 70 гр/м² дан кам бўлмаган офсет қоғозида “Буюртмачи”га кўрсатиб унинг розилигини олгандан кейин шартномада кўрсатилган тиражни тайёрлашга киришади. Маҳсулотнинг сигнал нусхасига “Буюртмачи” вакили имзо қўяди ва муҳр билан тасдиқлайди.

5.1.2. Тайёр маҳсулотни “Буюртмачи”га ушбу шартнома талабларига, давлат стандартига ҳамда бошқа амалдаги талабларга мувофиқ ҳолда белгиланган муддатда топширади.

5.1.3. Ўқув адабиётини нашрга тайёрлаш жараёнида натижанинг салбий бўлиши мумкинлиги ёки унинг мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда 5 (беш) кунлик муддатда “Буюртмачи”га ёзма равишда хабардор қилиниб, нашр иши тўхтатилади ва тегишли тузатишлар киритилгандан сўнг давом эттирилади.

5.1.4. Нашр этиш бўйича топширигидан ёки шартномада белгиланган бошқа параметрлардан чекиниш натижасида юзага келган камчиликларни “Бажарувчи” ўз қучи ва ўз маблағлари ҳисобидан бартараф этади.

5.1.5. “Буюртмачи”га топширилган маҳсулотларга учинчи шахсларда алоҳида ҳақ-ҳуқуқлар йўқлиги ҳақида “Буюртмачи”га қафолат беради.

5.1.6. “Бажарувчи” нашр этилган ўқув адабиёти адабидан ташқари муаллиф учун 5 (беш) нусха ажратади.

5.1.7. “Бажарувчи” мажбурий юбориладиган нусхаларни белгиланган қоидага мувофик (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида матбаа фаолиятини тартибга солиш тўғрисида” 1998 йил 2 февралдаги 52-сон қарорининг иловаси асосида) тегишли идораларга юборишни ўз зиммасига олади. Мажбурий нусхалар нашр этилган ўқув адабиёти ададидан рўйхати тақдим этилган ҳолда “Буюртмачи” ҳисобига ажратилади.

5.1.8. “Бажарувчи” тайёр маҳсулотни “Буюртмачи” омборига шартноманинг 4.1-бандида белгиланган муддатга қадар етказиб беради.

5.1.9. Нархнинг ҳақиқий харажатлардан келиб чиққанлигига “Бажарувчи” бевосита жавоб беради.

5.1.10. “Бажарувчи” ўқув адабиёти муаллифига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муаллифлик ҳақини тўлайди.

5.1.11. “Бажарувчи” томонидан рухсатсиз шартномада белгиланган параметрлардан қўшимча ададда чоп этиш ёки ҳажмини ўзгартириш ҳамда чакана савдога чиқариш таъқиқланади.

5.1.12. “Бажарувчи” нашр этиладиган ўқув адабиётнинг 2 донга сигнал нусхаси ва электрон версиясини СД дискда PDF форматда “Буюртмачи”га топширади.

5.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари

5.2.1. “Бажарувчи”га нашр этиш бўйича тасдиқланган шартнома асосида буюртма беради ва у билан ишлар режаси ёки мавзусини келишиб олади.

5.2.2. “Бажарувчи”га ишларни бажариш учун нашр этиладиган ўқув адабиётлар қўлёзмасини ва зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этади.

5.2.3. Муаллифларни ўз муддатида нашриётларга келишини таъминлайди.

5.2.4. “Бажарувчи”га ушбу шартноманинг 2.1-бандида назарда тутилган қийматини белгиланган миқдорда ва муддатида тўлайди.

5.2.4. Тайёр маҳсулотни ушбу шартномада назарда тутилган муддатда ва тартибда қабул қилиб олади.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. “Бажарувчи” шартномада белгиланган ўқув адабиётларини ўз вақтида етказиб бермаган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган банк куни учун ўқув адабиётларини нашр этиш умумий баҳосининг 0,5% миқдорида жарима тўлайди, лекин жарима миқдори умумий қийматнинг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

6.2. “Буюртмачи” ўз вақтида тўловларни “Бажарувчи” ҳисоб рақамига ўтказиб бермаган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган банк куни учун ўтказилмаган тўловлар баҳосининг 0,4% миқдорида жарима тўлайди, лекин жарима миқдори ўтказилмаган тўловлар умумий қийматининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3. Шартномага риоя қилмаган томон амалдаги қонунларга кўра етказилган зарарни қоплашни ўз зиммасига олади.

6.4. Маҳсулот Давлат стандарти талабларига риоя қилинмай нашр қилинган тақдирда “Буюртмачи” ушбу шартномада белгиланган қийматни тўламасдан, маҳсулотни қабул қилиб олишдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга “Бажарувчи” тегишли стандарт ва сифатга эга бўлмаган маҳсулот қийматининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

6.5. Пеня ёки жарима тўланиши томонлар мажбуриятларини бажариш ёки ҳуқуқ бузилишларини бартараф қилишдан озод қилмайди.

7. Форс-мажор ҳолатлари

7.1. Томонлардан ҳеч бири бошқа томоннинг олдида шартнома бўйича олган мажбуриятларини томонларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатларда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди. Бундай ҳоллар юзага келган тақдирда томонлар 5 (беш) кунлик муддат ичида ёзма хабардор қилиниши шарт.



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"YOSH AVLOD MATBAA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"YOSH AVLOD MATBAA" MCbJ

(Yuridik shaxsning qaytarilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

04.02.2021

946259

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308155465

Tashkiliy-huquqiy shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Olmazor tumani, BESHOO'RG'ON-2 MAVZESI 9-UY 87-
XONADON

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Olmazor tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazilgan organning to'liq nomi)



 **UZU.GOV.UZ**
Ягона Интерактив
Давлат Хизматлари
Портали



Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар
агентлиги

№ 1966-1160-2628-cdb8-31b1-6941-3596
Хужжат яратилган сана: 2021-02-12
Ариза рақами: 27661941

Хужжат берилган: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "YOSH AVLOD MATBAA"
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 308155465

**Ноширлик фаолиятини бошлагани ҳақида ваколатли
давлат органини хабардор қилгани тўғрисида
ТАСДИҚНОМА**

Хабардор қилувчи юридик шахснинг номи: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "YOSH AVLOD MATBAA"

Наширёт номи: "YOSH AVLOD MATBAA"

Ноширлик фаолиятининг ихтисослашуви: юқтимой-сиёсий, адабий-бадиий, болалар ва
ўсмирлар, маънавий-маърифий, илмий, илмий-оммабоп, ўқув адабиётлари, энциклопедик
(маълумотнома), диний, расмий, ахборот-реклама, ишлаб чиқаришга оид, ишлаб чиқаришга оид
меъёрий

СТИР: 308155465

Ҳудуд: Тошкент шаҳри

Фаолият юритиш манзили: TOSHKENT SHAHAR OLMAZOR TUMANI BESHQO'RG'ON-2
MAVZESI 9-UY 87-XONADON

Хабарнома қабул қилинган сана: 2021-02-12

Маъмур хужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан
тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали
тўғрисидаги низоми мувофиқ шакллантирилган электрон хужжат шаклида қабул қилинган.
Электрон хужжатнинг нусخасида кўрсатилган маълумотларнинг аниқлиги ва шрифт учун
uz.gov.uz веб-сайтига ўтмиш ва электрон хужжатнинг аниқлигини текшириш учун
телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Директ Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15
сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон хужжатлардаги маълумотларнинг қонуний
ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон хужжатларнинг
нусхаларини қабул қилишга рад этишлари қатъий таъқиқланади.



0719

